


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2023 йил иккинчи ярми учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлилларга кўра, 2023 йилда Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси томонидан жами 3 665 та фуқаролик ишлари кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 3 015 таси (82,3 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 486 таси (13,3 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 164 таси (4,5 фоизи) бўйича ўзгартирилган.




Суд қарорлари бекор қилинган 486 та ишдан 142 таси янгидан кўриш учун қўйи судларга юборилган, 249 та иш бўйича янги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, 9 та фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган, 6 та иш бўйича даъво аризалар кўрмасдан қолдирилган, 80 та иш бўйича апелляция инстанция судининг ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари ўз кучида қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб тамомланган ишлар ҳудудлар кесимида куйидагича кўринишга эга:

Тошкент шаҳри 912 та (шундан 119 таси бекор қилинган ва 35 таси ўзгартирилган), Тошкент 430 та (64/14), Самарқанд 339 та (57/17), Фарғона 282 та (34/28), Қашқадарё 280 та (37/11), Бухоро 214 та (39/10), Хоразм 197 та (18/11), Сурхондарё 196 та (26/4), Наманган 183 та (28/5), Жиззах 140 та (8/6), Андижон вилоятлари 133 та (15/5), Қорақалпоғистон Республикаси 126 та (18/6), Навоий 115 та (13/6) ва Сирдарё вилоят судида 102 тани (8/6) ташкил этади.

Фуқаролик ишларини биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.



Бу даврда асосан:

**меҳнат низолари билан боғлиқ** (Тошкент шаҳри 31 та, Фарғона вилояти 19 та, Тошкент ва Қашқадарё вилояти 14 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси 11 та, Навоий вилояти 9 та, Бухоро вилояти 7 та, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилояти 6 тадан, Жиззах ва Сирдарё вилояти 3 тадан, Хоразм вилояти 2 та, Наманган вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**зарар ундириш билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 20 та, Бухоро вилояти 15 та, Хоразм вилояти 14 та, Фарғона ва Тошкент вилояти 10 тадан, Самарқанд ва Наманган вилояти 9 тадан, Қашқадарё вилояти 8 та, Сурхондарё ва Сирдарё вилояти 6 тадан, Андижон вилояти, Жиззах вилояти ва Навоий вилояти 3 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси 2 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**ер муносабатлари билан боғлиқ низолар** Тошкент шаҳри 17 та, Тошкент ва Самарқанд вилояти 16 тадан, Наманган вилояти 8 та, Бухоро ва Қашқадарё вилояти 7 тадан, Хоразм ва Фарғона вилояти 4 тадан, Андижон ва Жиззах вилояти 2 тадан, Сурхондарё, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган),

**битимлар билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 22 та, Тошкент вилояти 8 та, Фарғона вилояти ва Самарқанд вилояти 6 тадан, Бухоро вилояти 5 та, Хоразм вилояти 4 та, Қашқадарё вилояти ва Сурхондарё вилояти 3 тадан, Наманган вилояти, Сирдарё вилояти ва Навоий вилояти 2 тадан, Андижон вилояти, Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**уй-жой низолари** (Тошкент шаҳри 19 та, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилояти 12 тадан, Фарғона вилояти ва Сурхондарё вилояти 5 тадан, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти ва Жиззах вилояти 3 тадан, Андижон вилояти 2 та, Қорақалпоғистон Республикаси 1 та суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**оила низолари** (Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти 10 тадан, Тошкент вилояти 6 та, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти ва Наманган вилояти 5 тадан, Қашқадарё вилояти 4 та, Бухоро вилояти, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 2 тадан, Жиззах вилояти, Андижон вилояти ва Навоий вилояти 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган);

**қарз ва кредит муносабатлари билан боғлиқ низолар** (Тошкент шаҳри 19 та, Самарқанд вилояти 8 та, Тошкент вилояти 6 та, Фарғона вилояти, Қашқадарё вилояти, Бухоро вилояти ва Навоий вилояти 3 тадан, Андижон вилояти ва Хоразм вилояти 2 тадан, Жиззах вилояти, Наманган вилояти, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси 1 тадан суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган) ишлар кўриб тамомланган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (*бундан буён матнда ФПК деб юритилади*) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

**ФКнинг 124-моддасига кўра, юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.**

Даъвогар Д. судга жавобгарлар О. ва нотариус Г.га нисбатан Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизғалдоқ худуди, “А.Навоий” МФЙ, А.Навоий кўчаси, 10-уй (бундан буён матнда “низодаги хонадон” деб юритилади) бир қисмининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво талаби билан мурожаат қилган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 12 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2023 йил 16 майдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво ариза қаноатлантиришдан рад этилган.

Аниқланишича, 2022 йил 22 сентябрда Д. ўзига тегишли бўлган низодаги хонадоннинг бир қисмини О.га сотганлиги тўғрисида нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган.

Даъвогар Д. жавобгар О. билан низодаги хонадоннинг бир қисмини сотиш тўғрисидаги олди-сотди шартномаси фуқаролар И. ва Р.лар ўртасидаги қарзга олинган пулнинг қайтарилиши кафолати сифатида гаров тариқасида (олди-сотди шартномаси) тузилганлиги, жавобгар О. билан ўрталарида пул олди-бердиси бўлмаганлиги, битим тузилишида алданиб қолганлигини важ қилиб мазкур талаб билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 113, 114-моддаларига асосланиб, ФПКнинг 72, 75-моддаларини қўллаб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси қонун талаблари асосида тузилганлиги, битимни имзолашда жавобгар даъвогарни зўрлаб ёки гаров эвазига расмийлаштиришга эришганлиги аниқланмаганлигини инобатга олиб, даъво аризани рад қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг мазкур хулосаси билан келишиб, низоли битим ФК талаблари асосида томонларнинг хоҳиш иродаси асосида нотариал тартибда расмийлаштирилганлиги, шартнома томонлари нотариус хузурида шартнома билан танишиб, уни имзолаганликларини инобатга олган.

ФКнинг 124-моддасига кўра, юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади.

ФКнинг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Бироқ тарафлар ўртасида тузилган низодаги хонадон олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган, хусусан, жавобгар О. даъвогарга уй учун пул бермаган, битим гаров эвазига вақтинча расмийлаштирилганлигини тарафлар инкор қилмаган.

Юқорида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 22 декабрдаги ажрими билан суд қарорларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

Унга кўра, тарафлар ўртасида тузилган низоли уй-жой бир қисмининг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилиб, битимлар бўйича тарафлар дастлабки ҳолатга келтирилиб, тарафлар ўртасида пул олди-бердиси амалга ошмаганлиги боис, уй учун шартномада кўрсатилган суммани қайтариш масаласини ҳал қилмасликни;

шу билан бирга, низолашилаётган олди-сотди битими ФКнинг 124-моддаси талабларига асосан бошқа битимни, яъни гаров шартномасини ниқоблаш мақсадида тузилган (кўзбўямачилик битими) бўлса-да, судлов ҳайъати гаровга доир қоидаларни қўллаб бўлмади деб ҳисоблаган.

Чунки қарз олди-берди муносабатлари бўйича гаров шартлари олди-сотди битими тарафлари бўлган Д. ва О. ўртасида эмас, балки учинчи шахслар И. ва Р. ўртасида амалга оширилган, шу сабабли, низога сабаб бўлган битим юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда номигагина тузилган деб топилган.

*2-1101-2305/1453-сонли иш*

**Судлар пул маблағи тарафларнинг алоҳида яшаган даврларида омонатга қўйилганлигини эътибордан четда қолдирганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилинган.**

Даъвогар М. судга жавобгар О.га нисбатан автомашинани умумий мулк деб топиб, мазкур мулкдан улуш белгилаб, улушини пул шаклида ундириб беришни ва “Ўзсаноатқурилишбанк” Чирчиқ шаҳар филиалидаги омонатга қўйилган пул маблағидаги улушини ажратиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2023 йил 14 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар О.га тегишли “Кобальт” русумли автомашина ҳамда жавобгар О.нинг номига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чирчиқ шаҳар филиалида 2022 йил 3 октябрда очилган омонат ҳисоб рақамидаги 3 880 892,42 сўм миқдоридagi пул маблағи тарафлар М. ва О.нинг биргаликдаги мулки деб топилган ва уларнинг ҳар бирининг улуши 1/2 қисмдан белгиланган.

Даъвогар М.нинг “Кобальт” русумли автомашинадаги 1/2 улуши ҳисобига жавобгар О.дан даъвогар М.нинг фойдасига 56 698 280 сўм компенсация ундирилиб, компенсация пули тўлиқ тўлангандан сўнг,

даъвогар М.нинг ушбу автомашинадаги 1/2 улушига нисбатан мулк ҳуқуқи тугатилиши ва мазкур улушга нисбатан жавобгар О.нинг мулк эгаллиги белгиланиши кўрсатилган.

Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 23.08.2023 йилдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Унга кўра, даъвогар М.нинг жавобгар О.га нисбатан умумий мулк деб топиш, улуш ажратиш ва улушни пул кўринишида ундириб бериш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Чирчиқ шаҳар филиалида жавобгар О.нинг номига расмийлаштирилган омонат ҳисоб рақамида сақланган 306 485 891 сўм пул маблағи М. ва О.нинг биргаликдаги умумий мулки деб топилган ва ҳар бирининг улуши 1/2 қисмдан этиб белгиланган.

Жавобгар О.дан даъвогар М.нинг фойдасига умумий мулкдаги улуши ҳисобига 153 242 945,50 сўм ундириш белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларига кўра, тарафлар М. ва О. 2005 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган.

Биргаликдаги турмушлари даврида “Кобальт” русумли автомашинани сотиб олганлар ва 2016 йилда автотранспорт воситаси О.нинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тарафлар 2021 йилнинг май ойидан буён бирга яшамайдилар, умумий рўзғор юритмайдилар.

О. томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” Чирчиқ шаҳар филиалига 2022 йил 6 январдан 2022 йил 3 октябрга қадар турли миқдордаги пул маблағлари омонатга қўйилиб, кейинчалик ушбу ҳисоб рақамлардан пул маблағлари ечиб олиниб, охириги мартаба 2022 йил 11 ноябрда ечиб олингандан сўнг, 3 880 892,42 сўм қолдиқда қолган.

Биринчи инстанция суди автомашинанинг бозор баҳосини инобатга олиб, унинг 1/2 қисмини жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Бироқ, банкдаги жавобгар О. томонидан омонатга қўйилган ва қолдиқда турган пул маблағларини умумий мулк деб топиш тўғрисида асоссиз хулосага келган.

Апелляция инстанцияси ҳам жавобгар томонидан омонатга қўйилган ва ечиб олинган пул маблағларини тарафларнинг умумий мулки деб топиш ҳақидаги хулосага келишда, пул маблағлари тарафларнинг алоҳида яшаган даврларида омонатга қўйилганлигини эътибордан четда қолдирган.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги “Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 7-банди тушунтиришларига асосан, жавобгар томонидан Банкка омонатга қўйилган пул маблағлари жавобгарнинг даъвогар билан оилавий муносабатлари тугатилган даврда орттирилган шахсий мол-мулки ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг “Кобальт” русумли автомашинага нисбатан чиқарган хулосаси билан келишиб, Банкка омонатга қўйилган пул маблағларини умумий мулк деб топиш ва даъвогарнинг улушини ундириб бериш тўғрисидаги хулосаси билан келишмаган.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 5 декабрдаги ажрими билан суд қарорларининг Банкка омонатга қўйилган пул маблағларини умумий мулк деб топиш ва улуш ажратиш қисмини бекор қилиб, шу қисми бўйича даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

*2-1201-2202/12357-сонли иш*

**Судлар даъво талаби асосидан келиб чиқиб, ундаги важларга ҳуқуқий баҳо бериш учун Олий суд Пленуми қарори тушунтиришига риоя этмасдан тегишли экспертиза тайинлаш масаласини ҳал этмаган.**

Даъвогар Д. судга жавобгарлар Б. ва бошқаларга нисбатан болаларни ўзининг тарбиясига олиб бериш ҳақидаги даъво талаби билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2023 йил 3 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, 2013 йилда туғилган М. ва 2016 йилда туғилган Ш. исмли фарзандларини жавобгар Б.нинг қарамоғидан даъвогар Д.нинг қарамоғига олиб бериш белгиланган.

Сурхондарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 12 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларига кўра, даъвогар Д. жавобгар Б. билан 2012 йилда турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан 2013 йилда туғилган М. ва 2016 йилда туғилган Ш. исмли фарзандлари бор.

Тарафлар оилавий келишмовчиликлар сабабли, 2022 йил декабрь ойидан буён алоҳида яшаб келишади.

2023 йил 10 март кунига қадар тарафларнинг вояга етмаган фарзандлари онаси Д. билан яшаб келишган. Шундан сўнг болалар жавобгарнинг қарамоғида яшаб келишган.

Иш ҳужжатларида мавжуд далиллар вояга етмаган болаларни жавобгарнинг қарамоғида қолдириш мақсадга мувофиқлигини назарда тутса-да, бироқ судларнинг вояга етмаган болаларни онасининг қарамоғига олиб бериш ҳақидаги хулосалари далиллар билан исботланмаган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори 7-бандининг бешинчи хатбошидаги тушунтиришга кўра, суд мазкур масала юзасидан низони мазмунан кўраётганда ота-онанинг ҳуқуқлари тенглиги тамойили ва бола манфаатларида турли хил ҳолатларни инобатга олади. Заруратга қараб, суд томонидан суд-психологик экспертизаси тайинланиши лозим, бундай экспертиза ота-оналар (улардан бири)га нисбатан, аҳволни психологик таҳлил қилиш (оилавий можаро) бўйича ҳам ўтказилиши мумкин. Бироқ, суд экспертизасининг хулосаси, васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси ҳам далиллардан бири бўлиб, ишдаги бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда суд томонидан баҳоланиши лозимлигини эътиборга олиш керак.

Бироқ биринчи инстанция суди даъво талаби асосидан келиб чиқиб, ундаги важларга ҳуқуқий баҳо бериш учун юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришига риоя этмасдан тегишли экспертиза тайинлаш масаласини ҳал этмаган.

Апелляция инстанцияси суди эса, суд қарорини қонунийлиги, асослангирилганлиги ва адолатлилигини текшириш билан бирга суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт бўлса-да, биринчи инстанция суди йўл қўйган хато-камчиликни бартараф этиш ўрнига мутахассис хулосаси билан чекланган ва унинг тушунтиришидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

ФПКнинг 416-моддасига асосан, кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 12 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборишни лозим топган.

*2-1905-2302/4840-сонли иш*

**Судлар далилларни талаб қилиб олмасдан процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.**

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси “Давр банк” ХАТБ манфаатида судга жавобгарлар “S.” хусусий корхонаси ва бошқаларга нисбатан кредит қарздорлигини ундириш ҳамда ундирувни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво талаби мурожаат қилган.



Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 2 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2023 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Унга кўра: жавобгарлар “S.” ХК ва А.дан солидар тартибда “Давр банк” ХАТБ фойдасига 4,3 млрд сўм кредит қарздорлигини ундириш, ундирувни гаровга қўйилган:

“Т.” МЧЖга тегишли Малибу ва иккита МАН русумли юк автотранспорт воситалари, фуқаролар Б.га тегишли Ласетти, Т.га тегишли Ласетти, Ф.га тегишли Ласетти русумли автотранспорт воситаларига;

“Т.” МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Файзиобод 1-тор кўчаси 60А-уй, фуқаролар Ш.га тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий 7-берк кўчаси, 10-уй, Н.га тегишли Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 19-мавзе, 66-уй, 69-хонадон, В.га тегишли Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Хонка 3-тор кўчаси, 13-уйга;

ХАТБ “Давр банк” Учтепа филиалида “S.” ХКнинг ҳисоб рақамидаги 200 млн. сўм ҳамда 17 500 АҚШ долларига қаратиш белгиланган.

Суд ҳужжатларига кўра, иш биринчи инстанция судида кўрилишида даъво аризада жавобгар сифатида кўрсатилган Б., Ш., В., Н. ва Ф. ҳамда “S.” хусусий корхонаси суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинмаган ва иш мазмунан кўрилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир масала ҳал қилинган.

Апелляция инстанцияси судида иш кўрилиш жараёнида ҳам жавобгар Б., Ш., В., Н.лар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинганлигини тасдиқловчи далиллар иш ҳужжатларида мавжуд эмас.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида, даъво талабининг асоси сифатида келтирилган “Давр банк” ХАТБ Учтепа филиали ва жавобгар “S.” ХК ўртасида 2019 йил 15 октябрда тузилган кредит шартномаси, кредит таъминоти сифатида тузилган гаров шартномалари, гаров мулкларни баҳолаш далолатномалари (*апелляция шикоятда, даъво аризада гаровга олинган мулк баҳоси кам кўрсатилганлиги ҳақида важ келтирилган*), шартнома бўйича тўлов графиги, мазкур график бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас, яъни мазкур ҳужжатлар даъвогар томонидан даъво аризага илова қилинмаган, ўз навбатида қуйи инстанция судлари томонидан ишни кўриш давомида уларни талаб қилиб олиш чоралари кўрилмаган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъати, қуйи инстанция судлари, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқланмасдан, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар далиллар билан исботланиши лозим бўлса-да, бундай далилларни талаб қилиб олмасдан процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган деб ҳисоблаган.

Шу билан бирга, “S.” ХК ишончли вакилининг кассация шикоятда, мазкур фуқаролик иши бўйича кредит таъминоти бўйича ундирувга қаратилган автотранспорт воситаларининг бир қисми гаровдан чиқарилиб, бошқа шахсларнинг номига ўтказилганлиги, Ш.га тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий 7-берк кўчаси, 10-уй ҳам гаровдан чиқарилиб, бошқа шартнома бўйича гаровга қўйилиб, суд қарори билан “Трастбанк” ХАБ фойдасига ундирилиши лозим бўлган кредит қарздорлиги бўйича ундирувга қаратилганлиги кўрсатилган ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган.

ФПКнинг 416-моддасига асосан, кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу сабабли Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси 2023 йил 22 ноябрдаги ажрими билан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

*2-1004-2207/16608-сонли иш*

**Судлар ФПК 72-моддасига биноан далиллар тақдим қилинмаганлиги, Оила кодексининг 37-моддасига биноан никоҳ тугатилганлиги ушбу мулкни умумий мулк деб топишни истисно этишлигини эътибордан четда қолдирган.**

Даъвогар Ш.нинг ишончли вакили А. жавобгар Р.га нисбатан Хазорасп тумани Ш.Рашидов кўчасида жойлашган 96-уйни (*бундан буён матнда “низодаги хонадон” деб юритилади*) марҳум бобо-бувиси О. ва Э.нинг умумий мулки деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2023 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, низодаги хонадон марҳум О. ва Э.нинг умумий мулки деб топилган.

Хоразм вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 6 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, шу қисми юзасидан янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, низодаги хонадоннинг 114,19 кв.метр қисми марҳум О. ва Э.нинг умумий мулки деб топилиб, ушбу турар жойнинг қолган 208,85 кв.метр қисмини умумий мулк деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинган.

Суд ҳужжатларига кўра, даъвогар низодаги хонадон марҳум бобо-бувиси О. ва Э.нинг қонуний никоҳлари давомида орттирилганлигини асос қилиб, ушбу мулкни уларнинг умумий мулки деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришга марҳум О. ва Э.нинг қонуний никоҳлари мавжудлигини асос қилган.

Апелляция инстанцияси эса ушбу қонуний никоҳ мавжудлигига қўшилган ҳолда низоли уй-жойни бир қисми бузилганлигини асос қилиб, низоли уй-жойни қолган қисмини марҳумлар О. ва Э.нинг умумий мулки деб топиб, суд қарорини қисман бекор қилган.

Судлов ҳайъати судларнинг мазкур хулосалари билан келишмаган.

Хусусан, фуқаролар О. ва Э. шаръий никоҳ асосида турмуш қуришиб, 1956 йил никоҳлари қонуний расмийлаштирилган.

Улар биргаликдаги турмушидан олти нафар фарзандли бўлишган. 1983 йил 5 августда О. вафот этган.

Хазорасп туман ҳокимининг 2012 йил 23 октябрдаги 1100қ-сонли қарори билан низодаги хонадонга Э.нинг номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Фуқаро Э. 2018 йил 16 январда нотариал тасдиқланган васиятнома асосида ўзига тегишли бўлган низодаги хонадоннинг 1/2 қисмини даъвогар Ш.га, қолган 1/2 қисмини жавобгар Р.га васият қилган.

2018 йил 18 ноябрда Э. вафот этган.

2022 йил 29 ноябрда нотариал тартибда тасдиқланган васиятнома бўйича ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага асосан марҳума Э.га тегишли низодаги хонадоннинг 1/2 қисмига жавобгар Р.нинг меросхўрлиги тасдиқланиб, даъвогар Ш.га тегишли 1/2 қисми очикда қолдирилган.

Айни вақтда низоли уй-жойда тарафлар истиқомат қилиб келишиб, даъвогар Ш. 2020 йилда низоли уй-жойни ўзи яшаб келган қисми, яъни 208,85 кв.метр қисмини бузиб, ўрнига икки қаватли турар жой қурган.

Низоли уй-жойнинг 114,19 кв.метр қисмида эса жавобгар Р. яшаб келган.

ФКнинг 216-моддасида умумий мулкни вужудга келишнинг қатъий асослари кўрсатиб ўтилган.

Гарчи, даъвогар низодаги хонадонни марҳум(а) бобо-бувиси биргаликда яшаган вақтида қурилганлигини важ қилган бўлса-да, даъвогар марҳум О. томонидан уй қурилишига ўз меҳнат ва маблағларини қўшганлигини тасдиқловчи ишончли ва мақбул фактик далилларни судларга тақдим қила олмаган.

ФПКнинг 72-моддасига биноан ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги қайд этилган.

Бу ҳолатлар эса низодаги хонадонни марҳум(а) О. ва Э.нинг умумий мулки деб топиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантиришни инкор этади.

ФКнинг 8-моддасига биноан, давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Қайд этилган қонун талабига биноан низодаги хонадонга нисбатан фуқаро Э. номига мулк ҳуқуқи вужудга келган вақтда фуқаро О. билан қонуний никоҳлари Оила кодексининг 37-моддасига биноан тугатилганлиги боис, ушбу мулкни Оила кодексининг 23-моддасига асосан умумий мулк деб топишни истисно этади.

Бундан ташқари, низодаги хонадон хусусида 2022 йил 29 ноябрда нотариал тартибда расмийлаштирилган васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома қонуний кучда бўлган бир вақтда даъвогарнинг ушбу даъво талаби мазкур мерос гувоҳномага қарама-қарши ва зид ҳисобланади.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 22 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

2-2203-2304/1943-сонли иш

**Судлар ҳуқуқий муносабатга  
нисбатан моддий ҳуқуқ  
нормаларини нотўғри  
қўллаганлиги сабабли суд  
қарорлари бекор қилинган.**

Даъвогар Г.нинг ишончли вакили Ш. судга жавобгар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисмига *(бундан буён матнда “Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисми” деб юритилади)* нисбатан Нукус шаҳар Ватанпарвар кўчаси 72-уй, 4-хонасини *(бундан буён матнда “низодаги хонадон” деб юритилади)* таъмирлаш учун сарфланган 80 млн. сўм харажатларини моддий зарар сифатида ундириб беришни сўраган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 5 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2023 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан Г.нинг даъвоси қаноатлантирилган.

Унга кўра, даъвогар Г.нинг фойдасига жавобгар Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисмидан моддий зарар, суд харажатлари *(адвокат хизмати, экспертиза ва почта харажати, давлат божу)* учун жами 80 393 065 сўм ундирилиши белгиланган.

Суд ҳужжатларига кўра, даъвогар Г. 2002 йил 1 февралдан 2017 йилнинг 2 апрелга қадар контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган.

Нукус уй-жой эксплуатация бўлими гарнизон турар-жой комиссиясининг 2003 йил 14 февралдаги 1-сонли қарори билан низодаги хонадон даъвогарга хизмат уйи сифатида бириктириб берилган ва 2003 йил 20 майда давлат ордери берилган.

Даъвогар Г. 2017 йил 2 апрелда захирага бўшатишга ва унга Нукус шаҳар Ватанпарвар кўчаси 29-уйнинг 2-хонаси хусусийлаштириб берилган.

Уй-жой кодекси 65-моддасининг биринчи қисмига асосан, муниципал ва идоравий уй-жой фондидаги турар жойни ҳамда ёрдамчи хоналарни қайта қуриш, ўзгартириш квартирани янада обод қилиш мақсадида амалга оширилиши мумкин ва бунга ижарага олувчининг, унинг вояга етган оила аъзоларининг, у билан доимий яшаётган фуқароларнинг, **ижарага берувчининг** розилиги билангина йўл қўйилади.

Худди шу каби норма ФКнинг 610-моддаси учинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июндаги 325-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида”ги низомнинг 43-бандида ҳам назарда тутилган.

Шундай бўлса-да, даъвогар Г. 2017 йил 2 апрелда хизматни яқунлаб, захирага бўшатишга ва шу вақтдан бошлаб уй-жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам тугатилган бўлса-да, Уй-жой кодексининг 78, 79-моддаларига биноан ушбу хизмат уйдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетмасдан, Нукус уй-жойдан фойдаланиш қисми ва Нукус шаҳар ҳокимлигининг рухсатини олмасдан 2022 йил апрель-май ойларида унда тўлиқ капитал таъмирлаш ишларини амалга оширган.

Бундан ташқари, ФИБ Амударё туман судининг 2022 йил 9 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Г. оила аъзолари билан низодаги хонадондан унга хусусийлаштирилиб берилган Нукус шаҳар, Ватанпарвар кўчаси 29-уй 2-хонасига мажбурий тартибда кўчириш белгиланган.

ФКнинг 1029-моддасига мувофиқ, қўлга киритувчи қайтариллиши лозим бўлган мол-мулкни била туриб бермай турган ҳолларда харажатларни ундириш ҳуқуқи йўқолади.

Бундай ҳолатда қайд этилган қонун талабига биноан даъвогар Г. уй-жойни ўз вақтида қайтармасдан туриб кейинги қилинган харажатини ундиришни истисно этади.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантиришда қайд этилган иш ҳолатлари ва ушбу ҳуқуқий муносабатни тўғридан-тўғри тартибда солувчи қонун ҳужжатлари мавжудлигини инобатга олмасдан, ФКнинг 985-моддасини нотўғри талқин қилган ҳолда даъвога зарар ундиришга оид нормани татбиқ қилган.

Ваҳоланки, ушбу муносабатда жавобгарнинг хатти-ҳаракатларида бевосита ёки билвосита шаклда ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) мавжуд эмас.

Апелляция инстанцияси эса суд қарорини қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш билан бирга суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш ўрнига ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шунга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 29 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

*2-2301-2303/2063-сонли иш*

**Фуқаролик ишлари бўйича  
судлов ҳайъати**